



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 май, чоршанба № 70 (902)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМАРҚАНДА ТЕННИС БАЙРАМИ

Самарқандда «Челленжер» анъанавий халқаро теннис турнири байроғи кўтарилди. Мусобақада Германия, Австрия, Аргентина, Хиндистон, Бразилия, Италия, Беларусь, Норвегия, Испания, Янги Зеландия, Россия, Франция, Швейцария, Қирғизистон, Қозғистон сингари давлатлардан катта теннис усталари қатнашмоқда.

Турнир очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этган ITP фирмаси президенти Сассон Какшури Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, айниқса теннисни оммавийлаштириш борасида олиб борилаётган савий-ҳаракатлар, шунинг натижасида Ўзбекистонлик спортчиларнинг кўплаб халқаро беллашувларда зафар кучаётганини таъкидлади. Бу хайрли ишларнинг ташаббускори бўлаётганлиги учун Президент Исрол Каримовга миннатдорлик билдирди. «Челленжер» турнири 21 майга қадар давом этади.

«ЎЗТЕМИРЎЛМАШТАЪМИР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар! «Ўзтемирўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчиларини, кўп миллатли меҳнат жамоасининг барча аъзоларини шонли сана - Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллиги муносабати билан сикдидилдан муборакбод этаман. Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган сизларнинг заводингиз ўзининг бир асрлик тарихида шонли йўлни босиб ўтиб, қудратли салоҳиятга эга замонавий корхонага айланди. Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда бирлашма ишлаб чиқариш ҳажмларини изчил суръатда ошира бориб, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида сизлар илгари мамлакатимиз ташқарисидagina амалга ошириш мумкин бўлган иш - локомтив ва вагонларни таъмирлашнинг янги усулларини ўзлаштирдигиз. Бу билан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компанияси ва бошқа давлатлар темир йўлларининг ҳаракат таркибини янгилаш вазифалари муваффақиятли бажаришмоқда. Жамоа эришаётган натижалар ишга

ижодий муносабатнинг, жаҳон даражасидаги илғор технологияларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва янгилашга, хорижий сармояларни жалб этишга қаратилган илҳомбахш бунёдкорлик меҳнатининг ёрқин намунасидир. Бирлашма таркибида Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити иштирокида энг замонавий электровоз таъмирлаш заводи қурилиб, фойдаланишга топширилиши корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларини янада юксак босқичга кўтарди, ривожланиш ва хорижий бозорларни ўзлаштиришнинг янги истиқболларини очди. «Ўзтемирўлмаштаъмир» бирлашмасида корхона меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза этишни яхшилаш, уларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилишига қувонарлиқдир. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, меҳнатда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга фаровонлик ва бахт-саодат тилайман!

Исрол КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Япониянинг собиқ Бош вазири Кэйдзо Обути оғир хасталикка учраб, анча вақтдан буён шифохонада ётган эди. 15 май куни япон халқи оғир жудолликка учради - К. Обути ҳаётдан кўз юмди.

Бундай вазиятда

марҳумнинг ҳурмати бажо келтириб, унинг яқинларидан кўнгул сўраш инсоний бурчдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов Япониянинг Тошкентдаги элчихонасига ташриф буюриб, дипломатик миссия вакиллари

орқали япон халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Мамлакатимиз раҳбари Япония элчихонасининг ҳамдардлик китобига япон халқининг қайғусига шерик эканлиги ҳақида даст-хат ёзиб қолдирди. Ушбу мамлакатнинг Фавкуллода ва мухтор

элчиси Киоко Накаяма билан бўлган қисқача суҳбат чоғида марҳум хотираси ёдга олиниб, унинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

(ЎЗА).

ФАРҒОНАНИНГ НОЁБ ТАҒАЛАРИ

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи нодир экспонатлар билан бойиди. Бу ердан ўрта асрларда Туркистонда муомалада бўлган 2891 та ноёб таंगा ўрин олди. Айни пайтда музей фондида 80 мингдан ортиқ нодир осори атиқа мавжуд бўлиб, улар Фарғона тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида кенг маълумот беради. Жумладан, эраимиздан аввалги бешинчи асрга оид бронза қозон, Қорахонийлар даврига мансуб сопол ва мис идишлар, буюк аллома Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик юбилеи муносабати билан қадимги Кува Шахристонни тегалигида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида топилган қулочлик, меъморчилик, хунармандлик соҳаларига оид кўплаб нодир экспонатлар бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимизга Коммерцбанк бошқарув аъзоси Андреас де Мезьер бошчилигидаги банк делегацияси расмий ташриф буюрди. Немис банкирлари республикадаги бир қанча вазирлик ва идоралар, тижорат банкилари раҳбарлари билан учрашди. Бу учрашувларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини янада жаддаллаштириш истиқболлари, мамлакатимиз банк тизimini ривожлантиришга қўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

HEMIS

БАНКИРЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Ташриф доирасида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи З.Мирхўжаев билан ўтказилган музокараларда Ўзбекистон молия-банк соҳасини ислоҳ қилиш, қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг аҳоли, Коммерцбанкнинг хусусийлаштириш масалаларига доир консалтинг фаолияти, банк кадрларини тайёрлашдаги ҳамкорлик, шунингдек ҳар икки молия институти ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар жараёнида 50 миллион евро қийматига тенг рақамли қарз битими имзоланди. Бу маблаг лойиҳавий молиялаштириш соҳасидаги банкларга ҳамкорликни фаоллаштиришга йўналтирилади. Битимда Германиянинг Гермес давлат сугурта жамияти қоплаган шартномалар қийматининг 85 фоизини молиялаш қўзда тутилган. Бундан Ташқари Миллий банк ва Коммерцбанк ўртасида тузилган яна бир битимга мувофиқ Миллий банк Коммерцбанкнинг тақдим этувчига тўланадиган чекларини сотади.

(ЎЗА).

Ташриф олдидан

га, ўша давлатларнинг ривожланишига ҳам йўл бермай келаётгани равшанлашиб қолган эди. Узаро саммитларда Президент Исрол Каримов МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларини хар

қадар узокни кўра биландиган сиёсатчи эканлигини яна бир исботидир.

Россиялик сиёсатшунослар В.Путин шахси ҳақида гапирганда, унинг ишбилармонлиги, сергайратлиги, қатъиятлигини кўп таъкидлайди. Айни пайтда В.Путиннинг кишиларнинг кучли жиҳатларини қадрлай олиши ва улардан ўрганишдан чўчимаслиги ҳам сиёсатшунослар назаридан четда қолмади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Россиянинг янги Президенти Ўзбекистон раҳбари Исрол Каримов сиймосида жиддий, амалий ташаббус ва ҳаракатлар тарафдори, ўз мамлақати манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга доим тайёр турувчи шахсни кўра олди, дейиш мумкин.

В.Путиннинг Ўзбекистонга буюражак навбатдаги ташрифиди мамлакатларимиз ўртасида тобора қарор топиб бораётган стратегик ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

18 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ташрифнинг бир жиҳати эътибор қаратмоқ жоиз. В.Путин Россия Федерацияси Президенти лавозимини расман эгаллагандан сўнг ўзининг илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошламоқда. Бу Ўзбекистоннинг минтақа, қолверса, МДҲда туғган ўрнини берилган ўзига ҳос баҳо бўлиши билан бирга, мамлакатимиз билан хар томонлама ҳамкорлик Россия учун ўта муҳимлигидан ҳам даракдир.

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК - АМАЛДА

ҳолда, сиёсат юритишга ўтганидан кейин бошланди, дейиш мумкин. Айнан шу пайтда «Ўзбекистон билан Россиянинг стратегик ҳамкорлиги» тушунчаси пайдо бўлди.

Бир йил аввалги воқеаларни эслайлик. 1999 йилнинг августида Владимир Путин Россия Федерацияси ҳукумати раиси лавозимини эгаллади. Россия жаҳон сиёсат майдонида ўз мавқеини тиклаш учун жиддий киришди. У ягона тўғри йўлни танлади, яъни аввало МДҲ доирасидаги шериклар билан яқинлашиш ҳаракатига тушди. Чунки Россия билан янги мустақил давлатлар ўртасидаги илгариги иқтисодий ролларнинг ўзгариши мамлакатнинг қаддини тиклашга тўсқинлик қилиш билан бир-

хил назарий, баландпарвоз гап-сўзлардан қочиб, иқтисодий интеграциялашув жараёнини тезлаштиришга даъват этиб келгани маълум. Сўнгги вақтларда Россиянинг МДҲга аъзо мамлакатлар билан алоқаларда айнан шу йўлга алоҳида эътибор қаратаётгани Ўзбекистон раҳбарининг башоратларига жуда мос бўлиб чиқмоқда.

Хусусан, МДҲнинг сўнгги саммитида Владимир Путин айнан Ҳамдустлик мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлишини айтди. Бошқача айтганда, воқеалар ривожига Президент Исрол Каримов айтганидай бўлиб чиқди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг на-

Қўшимча иш ўринлари

Ўзбекистон Республикаси иختисослашган тижорат «Галлабанк»нинг Беруний бўлими иш бошлаганига ярим йил бўлди, холос. Бироқ ана шу қисқа муддатдаёқ банк мижозларга намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Айниқса, тадбиркорларга микрокредит беришга ўта масъулият билан ёндошиляпти. Йилнинг биринчи чорагида умумий қиймати 7,5 миллион сўмлик микрокредит олган «Фарход», «Венера», «Жаҳоншоҳ» кичик хусусий корхоналари қисқа фурсатда қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада юзлаб янги иш ўринлари барпо этилди.

Мустақиллик мевалари



МЕНИНГ ЖОНАЖОН ПОЙТАХТИМ

Ватанимиз пойтахти - Тошкент кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Қаёққа қараманг, ҳамма жойда янги қурилаётган тураржой мавзелари, маъмурий бинолар, супермаркет ва бозорлар, дам олиш масканлари ва стадионларга кўзингиз тушади. Саратоннинг жазирама иссиқ кунларида ҳам салқин микроклим яратадиган чиройли фавворалар ва яшил майдонларни жаҳоннинг санокли шаҳарларида учратиш мумкин.

Шаҳар биноларини пардозлашда уларга қулайлик ва енгиллик бахш этадиган энг замонавий материаллар ишлатилмоқда.

Олий Мажлис биносининг муҳташамлигига аҳамият беринг. Теъмурийлар Давлат тарихи музейи шаҳаримиз ифтихориға айланди. Бу биноларнинг мовий гумбазлари - қадимий меъморчилигимиз анъаналарига бўлган эҳтиром рамзидир.

Вазирлар Маҳкамасининг биноси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб, янги қиёфа касб этди. Эсингизда бўлса, ўтган йилги

феврал ойининг фожали воқеаларидан сўнг бу бинога назар ташлаш нечоғлик оғир эди.

Меъмор ва қурувчилар бу бинони қисқа вақт ичида республикадаги энг чиройли иморатлардан бирига айланиши учун ўз меҳнат ва маҳоратларини аяшмади!

Шунингдек, шаҳар ҳокимлигининг биноси ҳам кўркям ва муҳташамдир. Бу - мустақил давлатимиз пойтахтининг бугунги қиёфаси. Барпо этилаётган бу аjoyиб бинолар йиллар давомида фарзандларимиз ва набираларимизга биздан мерос бўлиб қолади. Бугунги кунда пойтахтимизга жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Булар - сиёсатчи ва ишбилармонлар, банкир ва олимлар, санъаткор ва савҳатчилардир. Пойтахт ҳокимлиги биноси ҳам шунга муносиб қиёфага эга бўлиши керак. Сурати сийратига мос деб шуни айтишгади-да.

Жонажон пойтахтим Тошкентни севаман!

АВТОМОБИЛЧИЛАР КУТГАН МАҲСУЛОТ

Атроф кишлорлардаги ўнлаб кишилар учун меҳнат ўрни яратган, қурилишлар, хусусан, иморатсозлик учун энг зарур захиралар ишлаб чиқариш билан машғул бўлиб келган ушбу санаот шахобчаси, аввало, туман, қолаверса, вилоят тараққиёти йўлида маълум даражада аҳамиятга эга бўлиб келди. Лекин...

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан корхона автомобиллар баллонлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун «Ўзбеккровля» акционерлик жамияти қўшида қўшма корхонага мослаштирилга бошланди.

Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучмайди. Бунинг учун биринчи галда катта техникавий-ташқирий тадбирларни амалга ошириш, иқтисодий масалаларни ечиш талаб қилди. Шу йўналишда Англия ишбилармонлари билан олиб борилган музокаралар муваффақиятли якулланди. Ниҳоят, ўтган йилдан эътиборан «Наманганшина» Ўзбекистон-Бри-

тания қўшма корхонасига тамал тоши қўйилди. — Очиги, қўшма корхонанинг бунёдга келишида акционерлик жамияти ҳал қилувчи рол ўйнади, - дейди бош директор Р. Музаффаров. — Махсус ажратилган ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш, ўзимиздаги ёрдамчи қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда техник-монтаж ишларини амалга ошириш ҳамкорликда бажарилди. Технология тармоқлари учун пойдевор қўйилди.

Узаро шартномага кўра ўтган йили 800 миң долларлик Британия асбоб-ускуналари келтирилди. Россиянинг Краснодар ўлкасидаги «Кубаншина» акционерлик жамияти мутахассислари технологик тармоқларнинг монтаж қилинишида бошқош бўлдилар. Маълумки, шина ишлаб чиқариш ғоят мураккаб жараён. У пухта ҳозирлини тақозо этади. Қувончлиси шундаки, бу ерда фақат биргина турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билангина шуғулланиб

Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилга 10 миң донга йилани, товар айланмаси эса 100 млн. сўмни ташкил этилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот базоси бугунги кунда бозорларда сотилаётган шиналарникидан анча арзонга тушишига йўл турган гап. Дастлабки босқичда 50 киши учун иш ўрни яратилди. Бугунча малакали электриклар, механиклар, иссиқлик ҳосил қилиш билан шуғулланувчилар ва бошқа мутахассислик эгалари танлаб олинди.

— Биз биринчи навбатда ўзимизнинг бозоримизни тўлдирish чорасини кўрамиз, - дейди Р. Музаффаров. - Қолаверса, корхонанинг бизнес-режасига кўра унинг 30 фоизга яқинини экспорт қилишни режалаштирганмиз. Ҳозирданок мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан буюртмалар олинмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонсн» мухбири.

Саволингизга ҳуқуқшунос Насиба Тиллахўжаева жавоб беради.

САВОЛ: Жарқўргон туманидаги хўжаликларнинг бирига қарашли собиқ меҳмонхона биноси (Дехқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг) умумвакиллар йиғилишининг (1998 йил 3 март 12-сонли) қарорига асосан доимий яшаш учун оиламизга берилган.

Мазкур уйни ҳамда уни ўраб турган ер майдонини ким ошди савдосига қўйиши. Аукционда 30 сотих ер участкасини ҳамда уйни сотиб олдик. Мулкка эгалик ҳақида Давлат ордерига эгамиз. Энди ушбу яшаб турган уйимизни тўла хусусийлаштириб олишни хоҳлаймиз. Шу ҳақда тушунча берсангиз.

А.Тўрабоев, Жарқўргон шаҳри Махтумқали кўчаси, 34 «А» уй.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 210-моддасида уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби баён этилган. Ушбу модданинг 3-қисмида «давлатга қарашли уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади» дейилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 мартдаги 114-сонли қарори билан тасдиқ-

ланган «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Низомнинг 16-бандида Аукцион орқали уй-жой сотиб олиш ҳуқуқи вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади, бунда маз-

Фуқароларнинг аризаларини махсус ҳисобга олиш дафтарида қайд этиш ариза берувчи томонидан хусусийлаштириш ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида қитанция тақдим этилгандан кейин амалга

Хурматли муҳаррир! Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати хусусида тушунча берсангиз.

Т.Аҳмедшоев, Бўстонлик тумани.

димлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Газетанинг аввалги сонларидан бирида «Меҳнат интизоми» ҳақида ҳуқуқшуноснинг жуда яхши мақоласи берилди. Уйлайманки, у қўлчиликка асқотди. Энди тўлиқсиз иш вақти ҳақида тушунча беришингизни сўрайман.

К.Отаев, Хонқа тумани.

мумкин. Иш берувчи ушбу Кодексда (229-модда), шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа

бўлишни истардим. **И.Бобоқулов,** Оққўргон тумани.

Иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинмаган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинмаган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиши ва тугаш вақти, ишдаги танафуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашиниши, ходимларнинг сменадан сменга ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиб-қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади. Ходимни сурункасига икки смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.

Бу ҳақда Меҳнат Кодексининг 120-моддасида тушунча берилган.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

кур уй-жойни хизмат мақсадида (идоралар, офислар ва шу каби-лар) ҳамда ишлаб чиқариш бинолари (цеҳлар, устахоналар ва шу кабилар) мақсадида фойдаланиш ҳуқуқисиз ўз ходимларига бериш ва хусусийлаштириш мажбурий шартдир, дейилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 114-сон қарорига 2-иловасида, Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидалари баён этилган. Мазкур қоидага асосан алоҳида уйни (уйнинг бир қисмини) ёки квартирани хусусийлаштиришга қарор қилган фуқаролар белгиланган намунадаги ариза билан яшаш жойидаги ҳокимликка мурожаат қилади. У ерда ариза берувчига хусусийлаштириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш хизматлари учун ҳисоб варақаси берилади.

оширилади. Уй-жойни хусусийлаштириш тўғрисидаги ариза икки ой муддатда кўриб чиқилади ва ижро этилади.

Алоҳида уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани хусусийлаштиришга қарор қилган фуқароларга ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган ягона намунадаги шахсий мулк ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси тақдим этилади.

Ким ошди савдосида сотиб олинган уй-жой фондлари ҳам мазкур тартибга асосан амалга оширилади. Бунинг учун ким ошди савдосида сотиб олингани тўғрисидаги барча ҳужжатларни ва ордерни олиб туман ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлимига ариза билан мурожаат этиш зарур.

ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббийот ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай хо-

Меҳнат Кодексининг 119-моддасида бу ҳақда шундай дейилди:

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш кунли ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши

меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайдиган ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Иш ҳафтасининг турлари, иш вақти режими ҳақида яхлит тушунчага эга



Муборак тумани давлат автомобил назорати ходимлари жойларда тез-тез бўлиб, техник қаровни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Суратда: ДАН бўлими бошлиғи, милиция майори И.Йўлдошев ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Зикрилла РАХМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Сурхондарё янгиликлари

ОМОНХОНА СУВИНИНГ ДОВРУҒИ

Бойсун туманидаги Омонхона булогининг доврўғи аллақачон юртимиздан узоқ узоқларга ҳам ёйилган. Булоқ сувининг ички касалликлар, хусусан, жигар хасталикларига яхши шифо эканлигини олимларимиз исбот қилишганига анча бўлди. Бу ҳақиқатни ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқлаб келаяпти.

Эндиликда булоқ суви Франциялик ишбилармонларнинг ҳам назарига тушди. Бу ерда шифобахш ичимлик суви қадоқланадиган қўшма корхона ташкил этилди. Шу йил баҳордан бошлаб, ҳамкорликдаги фаолият ўз самарасини бера бошлади. Шифобахш сув бир ярим литрли полиэтилен идишларга солиниб, савдога чиқарилаётир.

САРИОСИЁЛИКЛАР — ПЕШҚАДАМ

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ташкил этган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари мусобақасида 14 та ўрта умумтаълим, 5 та бизнес мактаблари ва коллежлардан келган 360 нафар ёш спортчилар иштирок этишди. Қизгин беллашувлар сўнггида Сароисиё туманидаги 17-ўрта мактаб ўқувчилари жамоаси голиб деб топилди. Иккинчи ўрин Термиз шаҳридаги 93-мактаб ўқувчиларига, учинчи ўрин эса Шўрчи туманидаги 1-мактаб ўқувчиларига насиб этди. Пешқадам сариоисиёликлар мусобақаларининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ЯНГИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

«Сурхондарё телеком» шўъба корхонасининг Денов филиалида Индонезия билан ҳамкорликда қурилган янги автоматлаштирилган телефон станциясининг очилиш маросими бўлди. Денов туман ҳокими Тилло Менглиев маросимни очар экан, янги станциянинг аҳоли учун нақадар манфаатли эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникация агентлиги бош директори Фатхулла Абдуллаев, Ўзбекистон - Индонезия қўшма корхонаси директори Тоҳир Бекметов ҳам деновликларни бундай қўлайлик билан қутладилар. Маросим сўнггида Индонезия ва Хорватиядан ташриф буюрган меҳмонлар бу ерда ўрнатилган замонавий алоқа асбоб-ускуналарнинг ишлаши, ходимлар ва мижозлар учун яратилган шарт-шароитлар билан батафсил танишдилар.

«Туркистон-пресс»

Оромгоҳлар мавсумга шайми?

БОЛАЛАР КЎНГЛИ ҲАҚИДА

Болаларнинг ёзги таътили бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Ҳўш, жойларда ўқувчиларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда. Оромгоҳлар мавсумга шайми?

Нурота туман халқ таълими бўлимида ҳам бу йил 250 нафар боланинг ёзги дам олишини 3, 7, 11, 18, 33-мактаблардаги соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказиш режалаштирилган. Бу хайрли тадбирга қасаба уюшма фондида 1.170 миң сўм маблағ сарфланган.

Янги бинодаги 11, Янгиободадаги 33-мактабларда тайёрғилар ишлари деярли ниҳоясига етказилган. Қолган мактабларда эса 70-80 фоиз иш бажариб қўйилди. Дарвоқе, халқ таълимидагилардан кўнгли тўқ. Чунки улар ўтган мавсумда ҳам 350 боланинг ёзини саз ўтказишган эди.

Туманинг агросаноат мажмуида меҳнатқашлар фарзандларининг дам олишини қандай ташкил этишга ташкил билан қизиқдик. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шодигул Хусанованинг айтишича, Сентопдаги агросаноат мажмуига қарашли оромгоҳга ўтган йили сел зарар етказгандан сўнг ундан фойдаланиш имкони бўлмаган. Шу баҳона билан «Нурота»дан бўлак деярли бирон хўжаликда болаларнинг ёзги дам олиши ташкил этилмаган. Балки, соғлом авлод йилида баҳона эмас, имкон қидиришга

киришилди? — Бу йил Қизилтепа, Навбахор туманлари оромгоҳларида болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этамиз, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси Исомиддин Қўшмуродов.

Вақт эса кутмайди. Тезроқ амалий ишга киришилмас экан, ўтган йилги хатолар тақрорлангани турган гап. Туманда «Фозгонмармар», «Нуротамармар», йўл қурилиши идораси, «Рустам», «Амир Темура» сингари йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд. Бироқ уларда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Хусусан, «Нуротамармар» корхонасида 200 дан зиёд ишчи Италия технологияси асосида иш бажармоқда. Даромад ҳам шунга яраша. Лекин бу ерда ҳам ишчи болаларининг дам олишига келганда етарли маблағ топилмагани қизиқ.

Нуроталик тадбиркор раҳбарларга ижодкорлик, яратувчилик бобида асло гинамиз йўқ. Фақат эртанги кунимиз бўлган болаларнинг ёзда бироз бўлса-да, кўнгли ўқсимасмикан, деб эслатиб қўймоқчимиз, холос.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ФУҚАРОНИ ИБРАТ ВА СЎЗ БИЛАН ТАРБИЯЛАШ

ришди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Саидхоррор Фуломов учрашувни очар экан, бугунги ёш авлод тарбиясида ижодий зиёлилар меҳнати алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Миллий гоё барчамиз ва биринчи навбатда ёшлар учун мустақиллик ва тараққиёт йўлидаги маънавий куч манбаи бўлиши лозим. Республиканинг ўз ижодини мустақиллик идеалларига бағишлаган

сўз усталари талаба ёшлар билан кўпроқ учрашиши лозим. Ёшларни Ватанга муҳаббат ва саздоқат руҳида тарбиялаш бутун жамият зиммасидаги вазифадир.

Талабалар халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф, Республика халқ ёзувчилари Иброҳим Раҳим ва Шукр Холмирзаев, шоира Кутлубека Раҳимбоеванинг янги асарлари билан танишишди. Талабалар ўзлари севган муаллиф-

кирилади ва республиканинг шаҳар ва қишлоқларидаги гастролларда намойиш этади.

Яқинда республика талаба ёшлари ўртасида «Миллий маънавий қадриятлар - ёшлар ижодида» шiori остида ҳар йили ўтказиш мўлжалланаётган танлов бошланади. Шунингдек, шартномада талаба ёшлар орасида энг яхши шеър ва насрий асар учун ҳам олимпиада ўтказиш кўзда тутилган. Давр руҳига мос энг сара асарлар махсус тўплам шаклида чоп этилади.

Фармон ва ижро

БАНК ТАДБИРКОР ХИЗМАТИДА

Тадбиркорларга маблағлар ажратишда ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда Бухоро вилоятида ҳам анчагина ишлар амалга оширилляпти. Биз тадбиркорларга мададкор бўлаётган вилоят «Пахтабанк»нинг Ромитан бўлими ҳамда «Тадбиркорбанк»нинг Когон туман бўлимида амалга оширилётган ибратли ишлар билан танишдик.

Ўзбекистоннинг порлоқ келажиги тадбиркорлар фаолияти билан чамбарчас боғланган. Уларга қанчалик гамхўрлик қилиб, баракали меҳнатларининг рўёбга чиқиши учун етарлича шароитлар яратиб берилса, шунчалик ишимиз олдинга кетади. Буни Юртбошимиз ўзининг ҳар бир чиқишида бот-бот тилга олиб ўтаёпти.

Банкда кичик ва ўрта бизнес ходимларига кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қилинаётир. Бунинг учун миллион сўм неча кун оворасарсон бўлишига ҳолат йўқ. Ундан асосан учта ҳужжат талаб этилмоқда. Булар «Талабнома», «Бизнес режа» ҳамда «Бухгалтерия ҳисобот»ларидир. Банкда мижозлар маҳдуд бўлимаган ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун барча шароитлар яратилган.

сўми қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларига сафарбар этилди. 17,4 миллион сўмлик кредит ресурслари эса саноат корхоналари фаолиятини изчил йўлга қўйиш мақсадида ишлатилаётир.

1 миллион сўмлик маблағ таъминот корхоналарига, қурилиш соҳаси учун 16 миллион, савдога — 14,5 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу кўзда тутилгандан анча зиёддир.

«Зафаробод» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига 10 миллион сўмлик қисқа муддатли кредит ажратилганлиги натижасида савдо ташкилоти аҳолини меъёрлаштирилган 8 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш имконига эга бўлди.

Туман ҳокимининг фармойиши билан тасдиқланган 5 кишидан иборат ишчи гуруҳи ҳисоб-китоблар механизминини (ҳукумат қарори асосида) тақомиллаштириш ва бюджетга тўловларни ўз вақтида ўтқа-

зилишини таъминлаш юзасидан амалга ошираётган ишлари диққатга сазовор. Шу боисдан ҳам туманда иш ҳақидан қарздорлик пешманеш узилаётир.

«Наби Усмон» фермер хўжалиғи етакчиси Наим Усмоновни сўхбатга тортидик. — Завод билан 155 тонна пахта етказиб бериш юзасида шартномамиз бор. Шундан асосан 10-йўналишда иш ҳақи учун бепул 77,5 миң сўм бўнак пули олдик, — деди у.

Банк ўз имкониятларидан келиб чиқиб «Саид Қурбон», «Ҳожи бобо», «Нарзи бобо» фермер жамоаларига техника воситалари ва бошқа механизмлар харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратишни мўлжаллаб турибди.

Банкда кейинги йилларда кредит ажратмалари ўрта ҳисобда 12-15 миллион сўмга кўпайди. «Гилкор» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси, «Раҳматова», «Умидова», «Ҳайитова», «Жўра Бобомуродов» номли фермер жамоаларига ҳам кредитлар ажратилганлиги иш суръати ва сифатини яхшилаш сари илф очди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.

САЊАТ ФЕСТИВАЛИ

Андижоннинг энг сўлиму гўшаларидан бири — Хонобод шаҳрида ўзбек миллий дорбозлар гуруҳи, цирк санъати жамоалари ва ҳаваскор кўғирчоқ театрлари кўрик-фестивали ўтказилди.

Фестивал учун кун давом этди. Уни кўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларидан келган халқ ўйинлари ишқибозлари ҳам завқ билан томоша қилдилар.

М.АБДУКАРИМОВ.

Яқунланган асрнинг иккинчи ярми аввалгилари каби туркий халқлар адабиётида ўзига хос босқич бўлди.

Назм майдонига кириш ҳеч қачон осон бўлган эмас. Қобилиятли қорақалпоқ шоирининг бахти шунда бўлдики, у турли эзувчиларга кўр-кўрона эргашгани йўқ.

Бир пайтлари Қорақалпоқнинг уч азим бой-теракларидан Кунхўжа:

Бул дунёга шайқал мен Жарымадим, жалшымадим... АЖИНИЁЗ:

Зийўар дер дунёга келганим ялган, Мен де бир бийқайғы заман болмади.

БЕРДАК: Малға жарлы болсангда, тилгебай единг, Арман менен Бердак отти дуньадан.

деб ёзишган эди надомат билан. Айна пайтда учаласи ҳам инсон қадри-қиммати, шаъни учун курашувчилар эди.

Ибройим Юсупов шеърятининг ўқ илдизи ўша уч булоқдан сув ичади.

Кунхўжа «вафосиз дунёда очилган гуллар, қафасдаги сайраб турган булбуллар, чаманлар кўрки эл билан» эканини таъкидласа, Ажиниёз «Бу оламнинг кўрки-хаётнинг асосий мазмуни тўғрисидаги фалсафий фикрлардан сўнг шоир ўз миллати тўғрисида ҳаққоний гурур билан сўз юртади:

Мен талашиб фазлу камол Бир билан баслашмайман. Тарихчига очтириб фол

ЭРК ВА БАХТ КҮЙЧИСИ

Севимли шоиримиз Ибройим Юсупов ижодига бир назар

инсон боласи» деган улуғ шоирни ўртага ташлайди. Ибройим Юсупов эса:

Бир одамни бир одам Жондек яхши кўради, деб лирик қаҳрамоннинг оламни, одамни англаш билан боғлиқ Бош Сўзини айтади.

Нафсин қийиб нон берар, Томиридан қон берар, Керак бўлса қон берар, Бир одамга бир одам.

(Омон МАТЖОН таржимаси) Инсон, унинг ҳаёти, бу

Мозий учун бахшлашмайман. Мард Тўмарис-массагетнинг «Қирқ қиз» ларнинг урвоғиман.

Фарзандиман, печенегнинг, Сахро қорақалпоғиман.

(Абдулла ОРИПОВ таржимаси) Бир вақтлари Бердак «Қорақалпоқ халқ бўлгани халқ номини олган эмас» деб надомат чеккан эди.

Ибройим Юсуповнинг чекига миллат номини олган, ўзбек

халқи билан бир оилада бахту саодат топган эл номидан шеър айтиш масъулияти тушди. У ярим асрдан буён бу вазифани қўйилмақом бажариб келмоқда.

«Шундай бир эл менинг ҳиссамга теккан», «Раҳмат сенга, замоним», «Тошкентлик шоир дўстларимга», «Ажиниёз монологи», «Дав-

ронга ўхшар», «Яна Жайхун бўлиб оқдинг- да келдинг», «Кўнгил кўнгилдан сув ичар», «Ўзбекистон», «Навоийга», «Мен Абайни ёддан билган халқман» каби ўнлаб шеърларини ўқининг ўзи кифоя.

ТошДУ десам дарҳол тушади эсга Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг... Бу оташ ховурли сатрлар наинки қорақалпоқ, ўзбек, балки бутун Марказий Осиё ёшларининг ўзига хос «гимни» га айланган. Уни Ўзбекистон, Қо-

рақалпоғистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиби Байрам Матчонов кўп йиллардан буён куйлаб келади.

«Жайхун шамоллари» шеъри эса Турон заминининг бетакрор булбули, марҳум санъаткор Отажон Худойшукуров ижроси орқали халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкига айланди.

XIX асрда қорақалпоқ шеърятини Кунхўжа, Ажиниёз, Бердак сиймосида ўзининг «олтин дамлари» ни бошдан кечирди. Айна пайтда қорақалпоқ шеърятини Аялберген Мусаев, Содик Нуриимбетов, Фалим Сейитназаров, Байниёз Қаипназаров, Тўлепберген Матмуратов, Улмамбет Хўжаназаров, Тўлибей Қобулов, Кенгесбай Раҳмонов, Жиенбай Избесканов каби ўнлаб шоирлар ўз ўрнига эга. Аммо ҳозирги замон қорақалпоқ шеърятининг олмос тугини кўтариб, уни улкан олам саҳнига олиб чиқиш бахти ҳассос қаламқаш, Қорақалпоғистон Давлат маданият муаллифи, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповга насиб этди.

Янгибоб ҚўЧҚОРОВ, ёзувчи.

2000 йил — Соғлом авлод йили



А.ТўРАЕВ олган сурат - лавҳа.

УЛАРГА КУЛГУ ЯРАШАДИ

Болалар — келажагимиз. Эртанги кунимизнинг фаровон ва тўқис бўлиши бугун уларнинг қай даражада баркамол ва соғлом бўлиб ўсишларига боғлиқ.

2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши ва айна пайтда болалар тарбияси бирламчи аҳамият касб этаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Тошкент шаҳар касаба уюмлари кенгаши болаларнинг ёзи да олиш мавсумини кўнгилли ўтказишга катта эътибор қаратмоқда. Бу йилги мавсумда Тошкент шаҳри ва вилоятида 48450 нафар бола 44 та санаторий ва соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишлари режалаштирилган.

Тошкент шаҳар, Бўстонлик туман ҳокимликларининг шу иш учун масъул ходимлари, шунингдек, «Чирчиксавдо», «Меҳрисавдо», «Дори-Дармон» ҳиссадорлик жамиятлари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бosh бошқармаси, санитария-эпидемиология станцияси, Бўстонлик туман ички ишлар бўлими, «Тошшаҳарийловчитранс» давлат уюшмаси вакиллари зиммасига ёзи да дам олиш мавсумини кўнгилли ўтказиш юзасидан тавсиялар берилди.

Фуломжон ҲАКИМОВ, Бўстонлик туманидаги «Фазогир Гагарин» болалар оромгоҳи бошлиғи.

Турфа олам

БЎҒМА НАЙРАНГИ

Табиат турли-туман мўъжизаларга бой. Уни маълум маънода ўрганиб, кузатиб борсанг, сеҳрли дунёга тушгандай ҳайратда қоласан киши.

Бўғма илонлар ҳақида хийланайрангларидан бир мунча хабардор эдик. Аммо Лиана номи билан аталувчи ўсимлик ўзининг айёрлиги ва бўғувчи хусусияти билан бўғма илонлардан қолшмас экан.

Тропик ўрмонларда ўсувчи бу ўсимлик дастлаб уюшқоқ ва ингичка нажда сифатида ўз ёнида ўсаётган дарахтга суяниб, аста-секин тирмаша бошлайди. Тез орада лиана дарахтнинг тепа қисмига қайиб ола-

ди. Қачонки, танаси қотиб, ўзини дарахтнинг буткул хўжайини деб ҳис қилгандан сўнг, уни бўға бошлайди. Ниҳоят бу ёвуз ўсимлик дарахт пўстлоғини ёриб, ёғоч қисмигача етиб боради ва дарахт танасида юриб турган шира ҳаракатини тўхтатади. Натижада дарахт қуриб, шохлари синиб тушади. Лиана эса шохлари тарвақайлаб, ён атрофдаги дарахтларга ёвуз қўллари-ни чўзади.

ҲАШОРАТХЎР ЎСИМЛИК

Дионеа муспицула — ҳашоратхўр ўсимлик сифатида дунёга машҳур. Унинг ватани асосан Америка ҳисобланади. Ўсимлик қаддини тик тутиб турувчи гуллар поясининг

учида тўпгул ҳосил қилиб ўсади. Барчани ҳайратга солган нарса унинг гуллари эмас, балки ажойиб ва мўъжизали барглариридир. Поянинг пастиди жойлашган юпка барглари ҳар томонга қараб эгилган. Яққа ҳолдаги барг эса иккита палладан иборат. Шу паллалар четиди бир-бирининг орасига кириб мустақам ўрнашган тишлар бор, қолган қисмларига учтадан ўткир учли бўртмалар ва ўзидан шира ажратувчи безчалар жойлашган.

Баргга қўнган ҳашоратлар палладаги бўртмаларнинг бирортасига тегиб кетса, 5-10 дақиқа ичида улар ўз-ўзидан ёпилади ва ҳашорат ўсимликнинг тирик ўлжасига айланади. Паллалардаги учи ўткир бўртмалар ҳашоратларни бурдалаб ташлайди. Безчалардан чиққан суюқлик эса уни ҳазм қилишга киришади.

ДИЛАФРЎЗ ИМТИҲОНСИЗ ТАЛАБА БЎЛАДИ

Дилафрўз Ражапова бугунги кунда Оққўрғондаги иқтидорли болалар лицей-интернатида таълим олмоқда. Лекин у аллақачон талабалик ҳуқуқини қўлга киритган. Гап шундаки, Дилафрўз биология фани бўйича вилоят, сўнгра республика олимпиадасида голиб чиқиб, республика миқолидаги олий ўқув юртиларига имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бунинг учун у шу фан ўқитувчиси Муқаддам Шайзоқовдан беҳад миннатдор.

Мукаррама ТОЖИБОЕВА.

ҚУШЛАР НЕГА САЙРАЙДИ?

Қушларнинг овози бир-биридан фарқ қилишини ишқибозлар аллақачон аниқлаганлар. Масалан, Қақсада, Украинада яшовчи қизилтўш деган қушнинг оҳанги бир хил эмас. Шунингдек, булбул, бедана, сазва, тўрғай каби қушлар бир жойда, бир шароитда яшасалар-да, уларнинг айримлари овозининг жарангдорлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Шуниси қизиқки, қушлар болаларини боқиш даврида уларнинг сайраши сусаяди ёки бутунлай тўхтаб қолади. Бироқ бу даврда қушлар ўзига хос овоз чиқара бошлайди. Масалан, товуқ қақиллаб жўжаларини қақиради.

Ўрмон қушлари чийиллашади, каклик ёки лойхўрак бирор ҳавф туғиладиган бўлса, кўрқинчли товуқ билан қичқириб, болаларини яширинишга чақиради.

Бу ҳодисаларнинг сабаби маълум эмас.

БИРИНЧИ МАРТА

Аҳолини рўйхатга олиш биринчи марта эраמידан олдинги уч мининчи йилда қадимги Мисрда ўтказилган эди. Кейинчалик аҳоли рўйхати қадимги Ҳитой, Вавилония, Эрон ва Юнонистонда ҳам ўтказилди.

У вақтларда рўйхатлар гоёт содда усулда олиб борилар ва улардан қўзда тутилган асосий мақсад мамлакатдаги ҳарбий хизматга ярайдиган ёш, соғлом йигитларнинг сонини аниқлаш эди.

Аҳолининг жуда кўп қисми саводсиз бўлганлиги сабабли, рўйхатчилар ўзлари билан бирга иккита халта олиб юрардилар. Халталарнинг бирида оқ тошлар бўлиб, улар хотин-қизларнинг, иккинчисидидаги қора тошлар эса эркакларнинг сонини билдирар эди.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

БУ — ҚИЗИҚ

Америкалик Перси Пирл Вашингтон дунёда энг оғир вазнли аёл эди. Узининг айтишича, вазни 399 килограмм келар экан. Лекин госпиталда ўлчанганда тарозу фақат 362 килограммни кўрсатди, холос.

Ундан аввалги рекорд — 385,6 килограмм бундан 84 йил аввал қайд этилган. Лекин Ида Мэтланд деган аёлнинг вазни 413 килограмм бўлган деган тахмин ҳам бор. ...

1899 йили 11 июнда АҚШда туғилган Рут Алиса Кистлер дунёда энг кекса оналардан бири бўлган. У 57 ёшида қизи Сюзанани туққан.

Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» лицей-интернати томонидан Мустафоев Шукр Сантқуловичга 1999 йили 21 июнда берилган ОЯ-С N-0005665 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Касаба уюшма спорти ХУШ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАДИ

Чирчик шаҳридаги «Олмос» ўйингоҳида «Соғлом авлод йили»га бағишланган Тошкент вилояти таълим ва фан ходимларининг спартакиадаси бўлиб ўтди.

Унда вилоятнинг 18та шаҳар ва туманларидан келган 240 га яқин ҳаваскорлар спортнинг 8 тури бўйича бешлашдилар.

Барчамиз учун ота-онамиз каби қадрдон ва меҳрибон мураббий-ўқитувчиларимиз қизиқарли баҳсларга киришишдан аввал Чирчик шаҳри ёш спортчиларининг кўргазмалли чиқишлари намойиш этилди. Ўриндиқларни тўлдириб ўтирган иштирокчилар ва томошабинларда айниқса, шаҳардаги 18-боғча тарбияланувчилари — жажжи қаратэчи ўғил-қизларнинг чиқишлари катта таассурот қолдирди.



Ушбу бешлашувларда Паркент туманилик Киршинлар оиласи ҳаммадан кўра пухта тайёргарлик кўргани аён бўлди. Иккинчи ўрин Трояновлар оиласи (Чирчик шаҳри)га, учинчи ўрин Мўминовлар оиласи (Оққўрғон тумани)га насиб этди.

икки футболчи ўғилнинг отаси бўлган спорт фидойисининг ушбу сўзларига чин юракдан ишондик. Ана шундай хавфлар оғушида эканимизда, спартакиада голиби — Қибрай тумани футбол жамоаси аъзоси Нуриддин ака Муҳаммадов ўз истакларини қуйидагича баён этди:

— Спартакиада мусобақалари ҳеч муболагасиз айтиш лозимки, юқори савияда ташкиллаштирилди. Истагим, бу каби мусобақалар имкони борича тез-тез ўтказилиб турилса. Менимча, ана шунда катталарда ҳам, ёшларда ҳам спортга бўлган меҳр, қизиқиш тобора ортиб боради.

Шахмат ва шашка бўйича ўтказилган «жанг»лар чин маънода гоёт қизиқарли ва кескин «ақл қураши»га айланади. Муросасиз кечган баҳсларда Р.Қагиров ва М.Шокирова (Қибрай тумани), У.Аширматов (Бўстонлик тумани) ҳамда Г.Норбекова (Чирчик шаҳри)ларга омад қилиб бокди. Умумий ҳисобда эса Қибрай тумани ва шашка бўйича Чирчик шаҳри жамоалари голиб бўлдилар.

Мусобақалар тугалланиши арафасида вилоят тармоқ касасабо уюшма кўмитасининг фахрий ёрлик ва қимматбахо совгалари тақдим этилди. Тошкент вилояти спорт кўмитаси таъсис этган махсус совринлар эса Евгения Троянова («Энг ёш қатнашчи») ва Ирина Киришина («Энг юқори натижага учун»)га топширилди.

Камол Оллоёров, «Ишонч» муҳбири, И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

қўрсатса, иккинчидан, меҳнатқашларнинг иш унуми кўтарилишига ёрдам беради. Шу маънода, мазкур спартакиаданинг аҳамияти катта бўлди, деб ўйлайман. Зотан, мусобақаларни ўтказишдан қўзда тутилган мақсад халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётган ходимларимиз ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш ва бу билан фарзандларимиз, ёшлар қалбида спортга муҳаббат уйғотиш эди. Назаримда, бу мақсадга маълум даражада эришдик.

Шу ўринда бир тақлифи билдириб ўтмоқчи эдим. Бу каби му-

собақаларни ўтказишда касабаяюшмалари билан жойлардаги турли ўз-ўзини бошқарув органлари, ташкилот ва корхоналар ҳам ҳамкорликда иш олиб борсалар яхши бўларди.

...Мусобақалар яқунланди. Голиб ва совриндорларга вилоят тармоқ касасабо уюшма кўмитасининг фахрий ёрлик ва қимматбахо совгалари тақдим этилди.

Тошкент вилояти спорт кўмитаси таъсис этган махсус совринлар эса Евгения Троянова («Энг ёш қатнашчи») ва Ирина Киришина («Энг юқори натижага учун»)га топширилди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабаяюшмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсиллик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида теришти ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий адади 14.002 нусха. Сотулда эркин нархда.